

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРГАН ФЕРМЕР ИМТИЁЗГА ЭГА БЎЛАДИ

БУ ИМТИЁЗЛАР ЭСА НАФАҚАТ ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИГИДА, БАЛКИ ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИШИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

Бугун фермер қишлоқда етакчи кучга айланмоқда. Яъни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уни қайта ишлаб, қишлоққа саноатни олиб кирадиган, қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштирадиган, кўплаб янги иш ўринлари яратадиган, қишлоқни обод этадиган етакчи куч сифатида майдонга чиқмоқда.



Уза сурати.

томонидан уч иш куни ичида комиссия хулосасига асосан махсус сертификат расмийлаштирилади. Берилган хулоса ва сертификатдан фермерлар кенгашлари томонидан алоҳида китобга қайд этиб борилади ва сақланади.

Келинг, энди сертификат берадиган имкониятларни санаб ўтасак. Энг аввало, сертификатда имтиёзлар рўйхати кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳар биридан бир йил давомида бир мартадан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Ушбу имтиёзлар эса қуйидагилардир: 1. фермер ҳўжалигининг пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизига қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш. Мазкур имтиёзнинг тақдими этилиши учун тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари маъсۇл ҳисобланади;

2. қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш учун ажратилган ер майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш учун таъминотчи ташилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали мазкур ер майдонининг ҳар бир гектарыга экилган экин турини асосан таъминотчи карталарда тасвир этилган меъёрлар бўйича дизель ёқилғиси ва минерал ўғит-

ишлаб чиқарилган энгил автотранспорт воситаларидан фермер ҳўжалигининг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан навбатсиз харид қилиш. Бунда фермер ҳўжаликлари томонидан тегишли сертификатга асосан "Ўзвотсаноат" АК тизимидаги корхоналарга мурожаат этиладиган кейин бир ой муддатда шартномалар тузишни яқунлаш ҳамда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан фермер ҳўжаликларининг пахта якуний ҳисоб-китоб маблағларидан тўлиқ тўлаб берилади. Мазкур имтиёзнинг тақдими этилиши учун "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Ўзвотсаноат" АК тизимидаги корхоналар маъсۇл ҳисобланади;

6. қишлоқ жойларида қуриладиган намунавий уй-жойлардан бирини навбатсиз харид қилиш. Мазкур имтиёзнинг тақдими этилиши учун туман (шаҳар) ҳокимлиги ва "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ маъсۇл ҳисобланади;

7. суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етказиб бериш ҳуқуқи эга бўлиш учун ҳўжаликлар ўртасида ўтказиладиган танловда барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда юқори ҳосилдорликка эришган фермер ҳўжаликлари имтиёзга эга бўлиладилар. Мазкур имтиёзнинг тақдими этилиши учун суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик етказиб бериш ҳуқуқи эга бўлиш учун ҳўжаликлар ўртасида тендер ўтказувчи тегишли комиссиялар маъсۇл ҳисобланадилар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур сертификат фермер ҳўжалигининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома тақдим этилганда ҳақиқий ҳисобланади.

Мазкур Низомда белгиланган имтиёзларнинг тақдими этилиши ва ижроси адиля органлари томонидан мунтазам равишда ўрганиб борилади.

Хусан ҲЎЖАҚУЛОВ, Самарқанд вилояти адиля бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури кўмағида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш — жамоатчилик билан самарали ҳамкорликнинг муҳим омили" мавзусида республика семинар-тренинги ташкил этилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, қатор вазирлик ва идоралар ахборот хизмати ходимлари, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренингда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган ахборот соҳасини ислохот қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ҳамда ахборот хизматларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқаларни ўрнатилганлиги ўрнида шунингдек, давлат органлари ахборот хизматлари вакилларининг назарий ва амалий салоҳиятини юксалтириш масалалари муҳокама этилди.

Семинар-тренингда ахборот соҳасини такомиллаштириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш имконияти яратилди. Қадрлар салоҳиятини ошириш, ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича таққил ва тавсиялар берилди.

Гулноза ТУРҒУНБЕКОВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситаларини зарур ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш тизimini янада такомиллаштириш ҳамда ахборотлар очиклигини таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Давлат Божхона, Солиқ, Статистика қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятларга оид ахборотларнинг аҳолига мунтазам етказилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги боис, ахборот хизматлари фаолияти тобора такомиллаштирилаётгани таъкидланди. Уларнинг оммавий ахборот воситалари билан йўлга қўйилган мунтазам ҳамкорлиги натижасида соҳага оид ахборот ва янгиликлардан кенг жамоатчилик мунтазам хабардор бўлиб бормоқда.

Мазкур вазирлик ва идораларнинг расмий веб-сайтлари орқали интерфаол хизматлар кўрсатиш қўлама тобора кенгайиб бораётгани, улар фаолиятининг очиклигини таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, амалга оширилаётган ислохотлар, қонун ва тартиб-қоидаларнинг ўзгаришига оид янгиликларни кенг аҳоли қатламларига тезкор етказиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустақамлаш тарқатиладиган ахборотларнинг тўғри, холи ва тезкорлигини таъминлашга томонларнинг маъсулиятини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти ИШБИЛАРМОНЛИК АСОСИДА

Қарши шаҳрида аёлларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренинг хотин-қизларнинг оилавий иқтисодини яхшилаш, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги саводхонлигини ошириш, мустақил бизнес-режа тузишни ўргатишга қаратилган билан муҳим аҳамият касб этди. — Анчадан буён ўз тадбиркорлигини кенгроқ йўлга қўйишни режалаштириб юрардим, — дейди қаршилик ёш тадбиркор Шаҳноза Эрнарзорова. — Тадбирда Юлдуз Мамадиёрова, Қундуз Қаримова сингари тадбиркорларнинг иш тажрибаларини ўргандим ва ўзим учун зарур бўлган маълумотларни олдим. Тажрибалар алмашишуви асосида ўтган тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Хусан ТЕМИРОВ

Андижон Вилояти

Чўлпон номидаги кинотеатрда Андижон вилояти ҳокими Шўхрат Абдурахмонов шаҳар аҳолиси билан очик мулоқот ўтказди.

АҲОЛИ БИЛАН ОЧИК МУЛОҚОТ

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, яшаш шароитларини янада яхшилаш, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Андижон вилоятида ҳам мазкур йўналишдаги ишлар қўлами ва самарадорлигини оширишга қаратилган зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Мулоқотда аҳолининг табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминлаш, кўча ва йўлларнинг раванлиги, кўп қаватли уйларни таъмирлаш ва қиш мавсумига тайёрлаш масалалари хусусида сўз юритилди.

— Ҳар бир фуқаро мурожаати ортида аниқ бир шахс, хонадон, маҳалланинг манфаати ётади, — деди вилоят ҳокими Ш. Абдурахмонов. — Шу боис, бирорта мурожаат эътибордан четда қолмайди. Ариза ва шикоятлар қонунлар доирасида ҳал этилади. Бу, аввало, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишга хизмат қилади.

Мулоқотда кейинги йилларда Андижон шаҳрида қурилиш, ободонлаштириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Вилоят ҳокими ва бошқа мутасадди раҳбарлар фуқароларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ, Уза мухбири.

Фарғона Вилояти

ДЕҲ ҚОННИНГ ИККИНЧИ УЙИ

Мамлакатимиз аграр секторига олиб бориладиган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фермерлик ҳаракати ривож учун катта имкониятлар яратилмоқда. Фермер ҳўжаликлари инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратиладиган доимий эътибор самараси ўлароқ, Фарғона вилоятида фермер ҳўжаликларида ишловчи пахтакор ва галлакорлар учун ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган ягона лойиҳа асосида дала шийпонлари қурилмоқда. Бу эса меҳнаткашларнинг умумли ишлаши ва ишдан сўнг яхши ҳордиқ чиқариши учун асосий омил бўлмоқда.

Олтиариқ-Марғилон йўлининг Оқбўйра қишлоғидан ўтишингиз билан ўнг томонда ажойиб дала шийпони бор. Бу дала шийпони Ўзбекистон Қаҳрамони Юрсинбой Жўраев раҳбарлигидаги "Жўрабой Олтиариқ" фермер ҳўжалигига қарашли. Бу ерда меҳнат аҳлининг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Бундан фермер ҳўжалигининг барча аъзолари бағоят хурсанд.

Ишлаб толиққан сувчи ҳам, чопиқчи ҳам, механизатор ҳам шу ерга шошилди. Бу ерда барча шароит яратилган: ҳаммом, ошхона, дам олиш хонаси ишлаб турибди.

Фермер ҳўжалигининг жами 96

гектар ери бўлиб, шундан 54 гектарига бугдой экилган. Шу йилнинг 10 октябригача экиб бўлинган галла майсалари бир қарич бўлиб ўсиб ётибди. Уларга икки марта сув таралди, экишда гектарыга 450 килограммдан азотли ўғит солинди. Натижаси ҳозирданқоқ билиниб турибди. Келаси йили шу галлазорларнинг гектарыдан 72 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб турган фермер ҳўжалиги галлакорлари ҳадемай галла экилган майдонлардан гўзапоини қолдирмай олиб ташлаш тараддудини кўраптилар.

— Туманимизда намунавий лойиҳа асосида ўнта дала шийпони қурилиши ишлари бормоқда, — дейди Олтиариқ тумани бош меъ-

ДАЛА МАДАНИЯТИ — ФЕРМЕР МАСЪУЛИЯТИ

ДЕҲ ҚОННИНГ ИККИНЧИ УЙИ



Олтиариқ тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассиси Фарруқ Маҳмудов, "Соғида Жўраева" фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Исроҳон Жўраев, туман бош меъори Фарҳоджон Туракулов барча қулайликларга эга бўлган дала шийпони лойиҳасини кўздан кечирмоқдалар.

мори Фарҳоджон Тўракулов. — "Жўрабой Олтиариқ" фермер ҳўжалигининг дала шийпони биринчилардан бўлиб қурилган. Туман бўйича ҳали барча фермер ҳўжаликлари-

рида ана шундай шийпонлар қурилади.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Жиззах Вилояти

ОТА КАСБИН АРДОҚЛАБ

Зафаробод туманидаги "Жомбой" фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими Абдурашид Сафаровнинг чўлга келганига 46 йилдан зиёдроқ вақт бўлди. У ўшанда ҳали 17 ёшга ҳам тўлмаган ўспирин йигит эди. Дастлабки меҳнат фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган меҳнатсевар йигит ўзи билан ёнма-ён ишлаётган механизатор йигитларнинг ишларига эҳти қилиб, қисқа вақт ичида техника бошқарши маҳоратини эгаллади ва уч йил давомида йирик пахтачилик бригадаларидан бирида механизаторлик қилди. Кейин эса мустақил равишда шофёрлик хунарини, ирригаторлик тажрибасини ҳам эгаллаб борди. Шубҳасиз, бундай интилувчан қишлар ҳаётда ўз ўринларини тез топишди. Абдурашид ҳам бу борада дарров омад қўчди. Чўлга келганининг олтинчи йилида аввал пахтачилик звеносига, иккинчи йилдан сўнг бригадаси раҳбар этиб тайинланди.

— Бу вазифалар мен учун синов эканини яхши билардим, — дейди Абдурашид Сафаров. — Шунинг учун ҳам атрофимга ишонган дўстларим ва кўпгина яқинларимни тўллаб, ишга астойдил киришгандим. Дала ишларини илғорлар тажрибаси ва фан ютуқлари асосида ташкил этишга ҳаракат қилдим. Деҳқончиликдаги барча агротехник тадбирларни оғишмай амалга оширдик. Бу интилиш ва ҳаракатларимиз ўз

самарасини бермай қолмади. Деҳқончилигимизнинг биринчи-иккинчи йилларида ўртача бригада раҳбаридан, учинчи йилдан бошлаб пешқадамлар қаторидан ўрин олдим. Шу тариқа ўн бир йил бригадаси раҳбари бўлиб, муттасил илғор жамоалар билан ютуқлари асосида ташкил этишга ҳаракат қилдим. Деҳқончиликдаги барча агротехник тадбирларни оғишмай амалга оширдик. Энг муҳими, мулкдор бўлди ва ўзимизнинг

"Жомбой" фермер ҳўжалигимизни ташкил этдик.

Ҳа, Абдурашид бошқаб жамоа ер ҳосилдорлигини кўтариш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, фермер ҳўжалигини ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришди. Фермер ҳўжаликлари ташкил этган дастлабки йилларда гектарыдан 26 центнердан "оқ олтин" етиштирган бўлсалар, кейинги йилларда бу кўрсаткичи 35-38

центнердан қамайтиришмади. Бурноғи йили 40 центнерга етказишди. Ҳўжаликларида пахтачилик билан бирга галлачиликни ҳам йўлга қўйдилар. Уларнинг бу каби саяё-ҳаракатлари Президентимиз томонидан юксак баҳо-ланиб, Абдурашид Сафаров 2011 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими" фахрий унвони билан тақдирланди. Фермер ҳўжалиги аъзолари бу муқофотни бутун жамоага берилган муқофот деб қабул қилиб, ҳамон юксак кўтаринчилик билан меҳнат қилмоқдалар. Бунини уларнинг жорий йилда галлачилик ва пахтачиликда эришган юқори натижалари ҳам аниқ кўрсатиб турибди.

Бундан кўриниб турибдики, тажрибали деҳқон Абдурашид Сафаров муносиб ворисларини эл ишига камарбаста этмоқда.

Келди ДЎСТБЕК



Абдурашид Сафаров ва ўғли Абдуоли.

бўйидаги дарахларга шакл бериш, суғориш тармоқларини созулаш каби ишларда бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

— Ўзим билан биргаликда эгат оралаб катта булган икки ўғлим — Олимжон ва Абдуолижонларни бу йил мустақил фермерлар этиб элга қўшдим, — дейди А.Сафаров. — Улар биринчи йилдаёқ ишон-

Навоий Вилояти

СОЛИҚ ХИЗМАТИ

Республикамиздаги барча солиқ идораларида "Ишонч телефонлари"нинг фаолият юритаётгани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»ГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА



Этиборлиси, истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб "Ишонч телефонлари"га мурожаат этишлари натижасида мамлакатимиз савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги баъзи салбий ҳолатлар ҳамда камчиликлар аниқланди, уни бартараф этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бундан ташқари, баъзи савдо ва хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан тўлов терминали орқали ҳисоб-китоб қилинганда ҳам қўриқилган маълумотларнинг аниқлиги таъминланмади, шунингдек, 173 ҳолатда назорат касса машинасидадан фойдаланмаслик ҳолати кузатилиб, мижозларга 3867,7 минг сўмга назорат касса машинаси чеклари берилган.

Мазкур шикоятлар асосида вилоят солиқ органлари томонидан 315 та режадан ташқари, қисқа муддатли текширишлар ўтказилган. Натижада 217 та шикоят аниқ ва ҳолисона мурожаат сифатида ўз тасдигини топган. 98 та шикоятда баён қилинган ҳолатлар эса тасдиқланмаган ёки аноним хабар қўрилишида мурожаат этилган. Қолган 17 та шикоят ҳозирда кўриб чиқилмоқда. Аниқ рақамлар асосида таҳлил этадиган бўлсак, текширишлар натижасида 109 та ҳолатда 83119,1 минг сўмлик товарларнинг қимми ҳужжатларисиз ноқонунли муомалага чиқарилгани аниқланган. Шунингдек, 173 ҳолатда назорат касса машинасидадан фойдаланмаслик ҳолати кузатилиб, мижозларга 3867,7 минг сўмга назорат касса машинаси чеклари берилган.

тижаларига кўра, 89 та ҳолатда аниқланган камчиликлар юзасидан солиқ идоралари томонидан тегишли қонуний чоралар кўрилган, 128 та текшириш материаллари зарур чоралар кўриш учун суд органларига юборилган. Бундан ташқари, баъзи савдо ва хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан тўлов терминали орқали ҳисоб-китоб қилинганда ҳам қўриқилган маълумотларнинг аниқлиги таъминланмади, шунингдек, 173 ҳолатда назорат касса машинасидадан фойдаланмаслик ҳолати кузатилиб, мижозларга 3867,7 минг сўмга назорат касса машинаси чеклари берилган.

ОБОДЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР



Обод турмушимизнинг янада обод ва гўзал бўлиши учун давлатимиз томонидан қатъий эътибор қаратилаётгани, бунинг учун барча имкониятлар ишга солинаётгани ҳар биримизнинг кўнгилмизига тоғдек кўтарди. Эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Кўнгилмизimizни обод этади. Кўнгул обод инсоннинг оиласи, турмуши обод бўлади. Ойла мустаҳкам, оила обод экан, жамият раванқ топади, юрт иқтисодиёти юксалади.

Буни "Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда молия муассасаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлмоқда. Хусусан, "Ўзсаноат-қурилишбанк" ОАТБ томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлилида ҳам бунга асос қўриш мумкин. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига қўлай ишбилармонлик муҳити яратиб борасида амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, "Ўзсаноат-қурилишбанк" томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 430,3 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Мазкур сармоялар ҳисобига салкам ўн мингта янги иш ўрни яратилди.

1 ноябрь ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга оширган ҳолда, 26,6 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бу мазкур йўналишдаги ишлар кўлами кенгайганлигининг ёрқин кўринишидир. Аҳоли турмуш даражасининг ошириш, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш ва сервисни янада ривожлантиришни тақозо этаётди. Тадбиркорларнинг бу борадаги истиқболли лойиҳалари молия муассасаси томонидан молиялаштирилиб боришмоқда. Натижада юртимизнинг барча ҳудудларида банк сармояси эвазига бунёд бўлган маъиший хизмат кўрсатиш иншоотлари юзга келмоқда. Қолаверса, аҳолига кўрсатилаётган маъиший хизмат даражаси ва сифати ошириш бормоқда. Ободлигини яна бир омил бўлган бу жиҳатга жорий йилда янада кўпроқ эътибор қаратилади. Рақамларда бунинг ифода этамиз: банк томонидан жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолати бўйича хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 38,7 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилган. Бу ўтган йилдаги шу даврга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Бозор — юрт кўзгуси. Банк томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Ўзбек-овқат мақсадлари ишлаб чиқариши кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳақиқатда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Юрт бозорларини махсулотлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида 78,8 миллиард сўм кредитлар ажратилди. Шунингдек, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун эса 93,7 миллиард сўм миқдорда сармоялар йўналтирилди. Банк томонидан амалга оширилаётган ишларда ёшларни, айниқса, қасб-хунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига қўмаклашиш устувор аҳамият касб этаётди. Банк ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда, айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган озолаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган махсулотлар ички бозоримизни тўлдирishга хизмат қилляпти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини қорлаб, уларнинг ишбилармонлиги қўбилишига юзага чиқаришига қўмаклашмоқдалар.

Банк шу мақсадда жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 баробар кўп, яъни 4,8 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратди. Мазкур ишларни яқинда ўтказилган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" ширси остидаги кўрғазма-хисса ҳам кўриш мумкин эди. Кўрғазмада "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ ҳодимлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, хунармандларга, фермерларга ва бошқа кўрғазма катнашиларига банк фаолияти юзасидан саволлар бўйича маслаҳатлар, тушунтиришлар берилди. Ёш тадбиркорлар билан амалий мулоқотлар, бизнес юретишнинг йўналишлари ва услублари борасида фикр алмашилди. Кўрғазма доирасида банк мижозлари бўлган 10 нафар қасб-хунар коллежи битирувчилари оилавий тадбиркорлик субъектига имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар тақдим этилди. Президентимиз раҳнамолигида аҳоли фаровонлигини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ишларда ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўлини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жараёнда мазкур молия муассасаси ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётди. Банкнинг шу мақсадда мижозларга тақдим қилаётган хизматлари оила учун ҳар томонлама қўлайликлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий, илгор кишилар бўлиб улғайишларига қўмаклашиш, оила даромадларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Мазлумки, кам фойдали кредитлар қўлайлиги билан ажралиб туради. Шу боис, банк сармоялари юртимиздаги қўллаб кичик бизнес вакиллари, айниқса, оилавий тадбиркорларнинг жонига оро қирмоқда. Банк шу мақсадда йўналтирилаётган сармоялар миқдорини ўтган йилдагига нисбатан икки баравар оширган ҳолда, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолати бўйича 6,1 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратди. Банк томонидан аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, аҳоли даромад манбаларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида янги ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармоя учун микрокредитлар ажратиш, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдирish учун микрокредитлар бериш ва уларга лизинг хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида изланишлар олиб борилаётди.

Банк матбуот хизмати

“УСТАМОН ТАДБИРКОР” У БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИДАН БЎЙИН ТОВАЛШГА УМИД БОГЛАГАН ЭДИ

Бугунги кунда хусусий корхона ташкил этиш учун муаммоли иш эмас: аниқ режа, бизнес-гоя ва бошланғич сармоя бўлса бас. Қолаверса, бошланғич сармояни банк кредити ҳисобига шакллантиришнинг ҳам имконияти мавжуд.

Сирасини айтганда, иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожлантириш учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида давлатимиз томонидан ҳам-хўрлик қилинмоқда. Аммо шундай кимсалар ҳам борки, бу имкониятлар эвазига ҳалол меҳнат қилиб, жамиятга фойда келтириш ўрнига қонунчи четлаб ўтишни маъқул кўраётди. Уларнинг тақдири эса олдиндан маълум...

Ёш тадбиркор Умиджон Юнусовнинг муваффақиятларига кўпчилик ҳавас қилар эди. Чунки у йигирма беш ёшга етиб-етмаёқ хусусий фирма раҳбари бўлиб улгурган. Бир қараганда ҳаёт унга қулиб боққан эди. Бироқ бу мафтункор ёш сиймо ниқоби ортда фақат пул учун ҳар қандай макомга йўрғалайдиган, ўзига "пишиқ" қимса яширин эди. Балки тасодифдир, балки атайиндир — у айнан ўзига ўхшаган шахслардан иборат бўлган жамоани тuzди.

"Golden Hill Group" МЧЖ фаолияти чўкки сари оидмлади. Лекин Юнусовга бу ҳам камдек эди. У Туркия фирмаси билан каттагина маблағли шартнома тузишга муваффақ бўлди. Шунда унинг хаёли божхона тўловларининг миқдорини камроқ, даромадни эса мўмайроқ қилиш билан банд бўлди. Чунки у экспорт қилмоқчи бўлган қоракўл териси арзон махсулотлар сирасидан эмасди. Нима қилмоқ керак? Бу савол, яъни қонуний тўловларни қамайтириш "гоя"си тадбиркорга тинчлик бермасди. Шунда у хийла ишлашга қарор қилди. Бу ишга ўз ходимларини ҳам жалб этди. Корхона раҳбарининг фикрича, бу "режа" анчагина пишиқ бўлиб, муваффақиятсизликка учраши мумкин эмасдек эди. Шундай бўлса-да, у ҳимояланди — қимматли юкни ўз номи билан эмас, балки бошқа ном билан расмиyllаштирди. Яъни қоракўл териларини (улар салкам 14 минг дона эди) эчки терилари сифатида расмиyllаштирди. Ахир

эчки териси қоракўл терисидан икки баробардан ҳам кўпроқ арзон эди-да. У шу тарика божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашга умид боғлаган эди. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тадбиркор шу йўсинда ўз фойдасини қўзлаб товарлик миқдорини 70 минг АҚШ долларига қамайтирган экан.

Божхона хизмати ходимлари юкни қўшимча равишда текширишни ва ҳатто тери намуналарини янада аниқлаштиришга жўнатишни тадбиркор сира қутмаган эди. Шундагина унинг ёлғони фото бўлди-қолди. Х.Сулаймонова номдаги Республика суд экспертиза марказининг биологик экспертизасида ҳам мусодара этилган териларнинг айнан қоракўл терилари эканлиги қонуний йўл билан тасдиқланди. Қоракўл ва эчки териларининг нархларини аниқлаш учун "Ўзбекчармпол-абзал" уюшмасидан расмий маълумотлар ҳам олинди. Бир эчки терисининг нархи 4,7 АҚШ доллари, қоракўл терисининг нархи эса 9,75 АҚШ доллари экан. Фарқи — 5,05 доллар! Энди У.Юнусовнинг давлатни божхона тўловлари ҳисобидан қанчага алдамқончи бўлганини тасаввур қилаверинг? Пировавдида мазкур фарқлар асосида жиноий иш қўзғатилди, Юнусов эса тез орада қўлга олинди.

Воқеалар силсиласида бу ҳолат тадбиркорнинг ягона найрағини эмаслиги маълум бўлди. Тахминан шу даврда Тошкент шаҳар Сергели тумани прокуратураси томонидан тадбиркорга тегишли "Golden Hill Group" МЧЖга нисбатан 189-модда (савдо қоидаларини бузганлик) бўйича жиноий иш қўзғатилди. Аниқланган зарар қарийб 500 миллион сўмни ташкил этди. Икки жиноий иш қўшиб олиб борилди. Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди Умиджон Юнусовни Жиноят Кодексининг 189-,182- ва 209-моддаларидан кўзда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топди ва тўрт йилга озодликдан маҳрум қилиш баробарида уч йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилди. Ўйлаймизки, белгиланган муддат соиб "тадбиркор"га ўзининг гайриқонуний хатти-ҳаракатларини англаб етиш ва тўғри хулоса чиқариш учун етарли бўлади.

У.САЛИМОВ

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграр саноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Соҳибжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдуваҳаб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).

Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР